



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

## **ҚАЛАМТАСВИР АСОСЛАРИ**

**Педагогика Университетлари ва институтлари  
талабалари учун ўқув қўлланма**

Тошкент - 1999 й.

Мазкур ўқув қўлланма педагогика университетлари ва институтлари бадиий-графика санъат бакалавр йўналиши бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашда талабаларга тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланган қаламтасвир бўйича назарий ва амалий билимларни беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қўлланмадан тасвирий санъатни ўқитиш методикаси бўйича *"Тасвирлаш методлари тарихидан"* номи билан жой олган бўлиб, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қадимдан то ҳозирги вақтгача тасвирий санъатдаги турли методлар, оқимлар ва машҳур педагог-рассомларнинг қимматли фикрлари баён этилган.

**Муаллиф** - педагогика фанлари номзоди, тасвирий санъат кафедраси мудири **Ботир Бойметов**.

**Тақризчилар** - педагогика фанлари номзоди,  
доцент **Кобил Қосимов**,  
Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси,  
катта ўқитувчи **Баҳром Тожиев**.

Ўқув қўлланма Республика таълим марказининг "Чизмачилик ва тасвирий санъат" илмий методик кенгашининг 1999 йил 12 февralидаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган. 1-сонли қарор.

## М У Н Д А Р И Ж А.

МУҚАДДИМА .....	2
ҚАЛАМТАСВИР ВА УНИНГ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ .....	4
ҚАЛАМТАСВИР ИШЛАШ МЕТОДЛАРИ ТАРИХИДАН .....	8
ТАСВИРЛАШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ .....	24
ЎҚУВ ҚАЛАМТАСВИРИ ТУРЛАРИ. ҚАЛАМЧИЗГИ ВА ЭТЮДЛАР.....	35
ҚАЛАМТАСВИРДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР .....	44
АДАБИЁТЛАР .....	50

## January 1961

The first of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The second of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The third of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The fourth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The fifth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The sixth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The seventh of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The eighth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The ninth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The tenth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The eleventh of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

The twelfth of the month was a very busy day. I went to the office and worked on the report for the day. I also went to the bank and deposited the money. I then went to the post office and mailed the letters.

## МУҚАДДИМА

Мустақил Республикамизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий маънавий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 август IX-сессиясида қабул қилинган **"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"** муҳим тарихий, амалий ҳужжат бўлиб, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг илғор, демократик давлатлари даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий, ахлоқий, юқори билимларга эга қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Кейинги вақтда ҳамма соҳаларда бўлгани каби, халқ таълими тизимида ҳам кўпгина амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, педагогика университет ва институтлари, бадий графика факультетларида ёш педагог-рассомларни тайёрлаш бўйича янги ўқув режалари, дастурлари тузилмоқда.

Республиканинг турли йирик олий ўқув юрглари ва илмий текшириш институтларида ёшларга миллий санъат намуналарини ўқитишнинг илмий асосланган янги шакли, методлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда ёшларни бадий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаб вояга етказиш борасида кўплаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёшларни бадий жиҳатдан баркамол, Ватанга ва миллий санъатга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказишда тасвирий санъат хусусан, қаламтасвир предметининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида олий ўқув юрти факультетларида олиб борилаётган махсус фанларнинг чуқур ва асосли бўлишини тақазо этиб, педагог ва олимлар зиммасига юксак вазифаларни белгилайди.

Қаламтасвир предмети бадий-графика факультетларида ўқитиладиган барча махсус фанларнинг асоси ҳисобланади ва улар орасидаги бевосита боғлиқликни таъминлайди. Қаламтасвир борасида етарли билим ва малакаларни эгалламай туриб, талаба композиция, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати ва бошқа фанларни юқори даражада ўзлаштира олмайди.

Ҳозирги вақтда педагогика университет ва институтлари бадий-графика факультетларида мутахассислик фанлар, жумладан ўқув қаламтасвири машғулотларини ўқитишнинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асосланган янги йўли, шакли, мазмуни ҳамда методларини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

*1. Тасвирий санъат таълими давлат стандартлари асосида, ёшларга тасвирий санъат машғулотларини ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва унинг кейинги йилларда мўлжалланган истиқболли йўлларини ишлаб чиқиш;*

*2. Тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги бўйича олий ўқув юртларида мутахассис рассом-педагогларни тайёрловчи муассасалар иш фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таҳлил этиш;*

*3. Тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда маҳаллий манбалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш орқали ёшларни юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш ва юксак дидли, Ватанга садоқат, миллий ҳамда жаҳон халқлари санъатини мукаммал биладиган, ўтмиш маданиятимизни севиб қадрлай оладиган кишилар бўлиб етишишларини таъминлашдир.*

Мазкур ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети, бадий-графика факультетида ўтказилган кўп йиллик тажриба синовларида амалга оширилган бўлиб, унда Қаламтасвирнинг мақсад ва вазифалари, тасвирлаш методлари тарихидан лавҳалар, тасвирий-санъат, хусусан қаламтасвирда мавжуд асосий қонун-қоидалар, ўқув қаламтасвири турлари ва унда ишлатиладиган ашёлар ўрин олган. Педагогика олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган ушбу ўқув қўлланмадан тасвирий санъат соҳаси бўйича шуғулланувчи барча мутахассис методистлар фойдаланишлари мумкин.

## ҚАЛАМТАСВИР ВА УНИНГ МАҚСАД - ВАЗИФАЛАРИ.

Қаламтасвир - барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, катта асар композициялари устидаги изланишларини аввал қаламда дастлабки чизгилар билан ифодалайди. Санъат асарларини яратишда эса, ушбу бажарилган чизгилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Рассом у ёки бу картинасини яратишни қаламдан бошлайди. Шундан кейингина ушбу санъат асари ранглар жилоси орқали томошабинга эстетик ҳузур бахш этади. Бошқача қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асари ҳам бўлиши мумкин. Тушь, сангина, пастель, соус, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музейи ва кўргазмаларидан жой олган.

Қаламтасвир машғулотлари кўриб-кузатиб тўғри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, қўл, онг ва сезги органларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки, турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

Уйғониш даврининг буюк рассоми ва олими **Леонардо да Винчининг "Рангтасвир қонуналари"** номли асарида жумладан шундай деган эди: *"Ёшлар, илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукаммал билмоқлари лозимдир"*.

Қаламтасвир машғулотлари бошқа мутахассислик фанлари қаторида бўлажак ўқитувчи-рассомларни тайёрлашда асосий мезон ҳисобланади. Қаламтасвир дарслари талабаларга I-IV курсларда назарий ва амалий машғулотлар орқали олиб борилади. Шуни таъкидлаш керакки, амалий машғулотлар қаторида назарий билимлар ҳам бўлажак мутахассисларга уларнинг кейинги педагогик, ижодий ва илмий фаолиятларида муҳимдир.

Бадий маълумот беришда борлиқни ҳаққоний тасвирлаш талабаларга амалий билимларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Ҳаққоний расм чизиш санъати, борлиқни ҳаққоний образларда тасвирлаш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.



Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилгандир.

Табиатга муҳаббат ўта кузатувчанлик, буюмларни тўғри тасвирлаш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шугулланадиган кишиларга хос бўлмоғи керак.


Тасвирий санъат ўқитувчисининг етук малакага эга бўлишида нафақат амалий билимларни ўзлаштирган бўлиши, балки тасвирлаш санъатининг назарий тайёргарлигининг пухталигига ҳам боғлиқ.

Бўлғуси педагог-рассомларга буюк рассом ва тасвирий санъат соҳасида кўплаб назарий, амалий билимларни мерос қилиб қолдирган кишилар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан таништириш, уларнинг асарларини чуқур ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.




Қаламтасвир машғулотлари Бадий-графика факультетидаги мутахассис ўқув фанларининг асоси сифатида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қуйидаги асосий қонунларни ўргатишни мақсад қилиб қўяди:

1. *Композиция асослари.*
2. *Чизиқли конструктив тузилиш.*
3. *Буюмларнинг нисбатлари.*
4. *Перспектива қонунлари.*
5. *Ҳаракат.*
6. *Бажарилаётган тасвирдаги ёруғ ва сояларнинг қонуниятлари.*
7. *Тасвирни методик кетма-кетликда тўғри бажариш (1-а,б,в расмлар).*


Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ва ўрта ўқув юртида билим олиш давомида ўқув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-рассомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ва ижодий иш жараёнида ҳам муҳимдир.



1<sup>a</sup>-рasm.



1<sup>6</sup>-рasm.



1<sup>в</sup>-рasm.

## ҚАЛАМТАСВИР ИШЛАШ МЕТОДЛАРИ ТАРИХИДАН.

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Асарлар аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамлар ҳайвонларнинг юрган йўлларини ўрганиб, тик қоя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ҳам акс эта бошлаган. **Заравут-камар** (Сурхондарё) ғоридан топилган жаҳон эътиборига молик ушбу тасвирда одамларнинг ёввойи буқага тош ва найзалар отиб, сўнгра уни тикка қоядан пастга тушириб юбориши сахнаси тасвирланган (*2-расм*).

Тасвирларнинг жуда содда бўлишига қарамасдан айтиш мумкинки, улардаги ҳаётийлик натурага нисбатан бўлган кузатувчанлик ҳолатлари кишини лол қолдиради. Ушбу тасвир қадимги тош асри (мезолит)га тегишлидир.

1957 йили **Хўжакентда** (Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани) топилган тошга ўйиб ишланган буғу тасвири ҳам диққатга сазовордир (*3-расм*). Унинг ўлчами буғунинг ҳақиқий катталигига яқин бўлиб, 1,9 метрни ташкил этади. Шу ерда топилган ёввойи буқа расми ҳам тасвирланиши жиҳатидан силуэт шаклида бўлиб, тошнинг бўртиқлиги (рельефи) ҳисобга олиниб ишланган (*4-расм*). Бу икки тасвир сўнгги палеолит даврига тегишлидир.


Эрамиздан аввалги III-II асрларга мансуб кулолчилик буюмлари ҳамда деворларга ишланган суратларда (Чуст, Далварзинтепа) асосан осмон, ер, қуёш, сув, одам ва ҳайвонларнинг тасвирларини кўриш мумкин.

Ибтидоий давр одамлари қоя ва тошларга қўмир билан турли тасвирларни тушириб, сўнгра улар устидан ўткир тошни юрғизиб чиққанлар. Кейин эса тасвирларни пушти ранг билан бўяганлар. Шунинг таъкидлаш лозимки, аксарият тасвирлар афсонавий ва турли маросимлар асосида ишланган (ритуал) суратлар бўлиб, инсонларнинг ўша даврдаги дунёқарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида мужассамлаштирган.





3-рasm.



4-рasm.

Кейинчалик шулар асосида ёзиш пайдо бўла бошлади ва ривожлана борди. Аввалига пиктографик (тасвирий), сўнгра идеографик, яъни ҳар бир белги сўз маъносини англатувчи, ундан кейин эса ҳарфлардан иборат ёзувлар пайдо бўла бошлади.

Одамлар тасвирлаш борасидаги дастлабки малакаларни табиатни бевосита кузатиш ва унга тақлид қилиш йўли орқали эгаллаганлар. Тасвирлашга ўргатиш палеолит даврида ҳам ривожланмаган эди. Фақатгина кейинчалик неолит даврига келиб деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошланғич босқичида инсоннинг меҳнат қилиши натижасидагина санъатга бўлган қизиқиш уйғона борди.

Расм чизишга нисбатан иштиёқ инсонларнинг кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмларни безаши орқали ривожланди. Энг аввало сопол идишларга турли нақш ва тасвирлар тушириш пайдо бўла бошлади. Шу алпозда тасвирлар ишлашнинг дастлабки методлари ҳам юзага келди. Энди ҳунарманд ўз шогирдининг тасвирларини қандай ишлашини кузатиб унга йўл-йўриқлар кўрсатарди. Чунки шогирднинг устоз кўрсатмаларига риоя қилиши кейинчалик шу ҳунарнинг давом этишида муҳим ўрин эгаллаган.

Шундай қилиб тасвир бажаришни ўргатишнинг дастлабки усуллари пайдо бўлди. Лекин ушбу методлар аниқ ишлаб чиқилган, йўл-йўриқлар ва тамойилларга асосланмаган эди. Тасвирий санъатга ўргатиш ҳамда мактаблар ташкил этиш анча кейин бошланди.

Тасвирий санъатга ўргатиш методлари тўғрисида гап борганда аввало Қадимги Мисрнинг юксак ривожланган маданиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тарихий манбаларда ёзилишича Қадимги Миср мактабларида турли фанлар қатори расм чизиш ҳам кенг ўргатилган. Мактабни тугатган ўспирин хона ички кўринишини тасвирлай олиши, катта майдонни чизмасини чизиб, унинг ўлчамларини қўя билиши, сув иншоотлари тасвирини чиза билиши шарт бўлган. Тасвирий санъат методларини мактабларда ўргатилишини биз қадимги мисрликлар фаолиятида кўришимиз мумкин.

Болани тасвирлашга ўргатишнинг асосий сабабларидан бири ўқитиш услуби иероглифик хусусиятга эга бўлганлигидандир. Чунки шу йўсинда бирор бир маънони англатишини фақат тасвирлар орқали амалга оширишни талаб этарди (5-расм).



5-расм. Миср иероглифлари.



Ёшларни мактабда ўқитиш тизими жуда қаттиққўллик билан ҳаттоки мажбурлаш даражасида олиб бориларди. Белгиланган мактаб қонунига амал қилмаган ўқувчи жазоланарди. Қадимги манбаларда ёзилишича, мактаб қонун-қоидаларига бўйсунмаган шогирд гаврон билан саваланиб, сўнгра узоқ вақт қоронғу зулматда сақланган экан. Ўша давр мактаб қонуни қуйидагиларни талаб этарди: *"Кундалик ўқишда фаол ва атрофдагиларга мулоийм бўл. Ҳеч қачон дангаса бўлма, йўқса калтакланасан!"*. Мактабларда расм чизишга ўргатиш дастлаб қадимги Мисрда пайдо бўлди. Ўқитиш рассом-педагоглар томонидан аниқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган метод ҳамда қонунлар асосида олиб бориларди. Шунинг таъкидлаш лозимки, Мисрликлар расм чизиш ва унинг назарий қонунларига асос солганлар. Ўша давр мактабларида ёшларга таълим беришнинг аниқ ишлаб чиқилган дидактик тамойиллари бўлмаган. Ёшларга расм чизишни ўргатиш натурани кузатиш, таҳлил этиш, атроф табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни кузатиш орқали эмас, балки олдиндан ишлаб чиқилган андозалар асосида олиб борилган.

Мисрликлардан фарқли ўлароқ, Қадимги Юнон рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш борасида таълим-тарбияга ўзгача ёндошиб, уни тубдан бойитдилар. Улар ёш рассомларни кўпроқ табиатни ўрганишга ва унинг ажралмас бўлакларидан бири бўлган инсон гўзаллигини юксак даражада тасвирлашга чақирганлар. Парассий, Эвполис, Памфил, Апеллек ва бошқа рассомлар ўзларининг назарий асосларида дунёдаги барча нарса ва буюмлар симметрик, гармоник ҳамда математик жиҳатдан ўлчамларга эга эканлиги ҳақида ёзадилар. Жумладан эрамыздан аввалги 432 йилда яшаб ижод этган ҳайкалтарош Поликлет одам тана бўлақларининг бир-бирига нисбатлари ҳақида ёзиб, унинг исботи сифатида *"Дорифор"* маъбудасини яратган. Кейинчалик расм чизишни ўрганаётган ёшларга Поликлет яратган ҳайкаллардан бирини ўзига қараб тасвирлаш мажбурий равишда таълим тизимига киритилганини кўрамыз.

Эрамыздан олдинги IV асрга келиб қадимги Юнонда Сикион, Эфесс, Фиван каби ўша даврдаги машҳур рассомлар мактаблари вужудга келди. Шулардан энг кўзга кўрингани Сиккион мактаби бўлиб, у нафақат расм чизиш методларини такомиллаштиришга балки, умуман тасвирий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди ҳамда у ёшларга тасвирий

санъатни ўргатиш орқали гўзал табиатни севишга, унинг қонуниятларини илмий жиҳатдан ўрганишга қаратди.

Тасвирлаш жараёнида ёшлар табиатни кузатиш билан бир қаторда мавжуд нарсаларнинг тузилиш хусусиятларини ҳам ўрганганлар. Шунинг учун Сиккион мактабининг асосчиларидан бири Памфил расм чизишни фан сифатида барча ўқув даргоҳларига киритилишини йўлга қўйган. У тасвирий санъатга илмий нуқтаи назардан қарашни биринчилардан бўлиб олдинга сурди. Тасвирий санъатнинг асоси бўлган қаламтасвирга юксак баҳо бераркан *"Қаламтасвир ишлашда юқори даражада аниқлик ва илмий асос бериши керак"* деб ҳисобларди.

Кўриб турибмизки, Памфил тасвирий санъатни, хусусан қаламтасвир бўйича ёшларга сабоқ беришнинг илмий асосланган, назарий ва илмий методикасини ишлаб чиққан. Унинг методикаси асосида сабоқ олиш ёшлардан назарий билимларни эгаллашни ва кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб этарди. Бу ерда тўлиқ ўқиш даври ўн икки йил давом этган.

Қадимги Юнон мўйқалам усталари ўз ўқувчиларига табиатни кўпроқ кузатиб идроклашни, унинг бекиёс ва такрорланмас гўзалликларидан лаззатланишни ўргатар эдилар. Яна шунини таъкидлаш ўринлики, Юнон рассомлари нарса ва буюмларни ўзига қараб ҳаққоний тасвирлашга биринчи бўлиб асос солганлар. Расм чизишнинг барча мактабларда фан сифатида ҳаққоний тасвирни ифодалай билишлари улар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Қадимга Рим даври санъаткорлари Юнон рассомлари эришган ютуқларни давом эттирган ҳолда тасвирий санъат соҳасида улкан муваффақиятларга эришдилар. Ўша даврнинг бой кишилари санъат асари намуналарини йиғиб, кенг оммага намойиш қилишнинг одат қилганлар. Айниқса бу ҳол Цезарь ҳукмронлиги даврида кўпроқ оширилган. Лекин, Юнонлик санъаткорлардан фарқли ўлароқ, Рим рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш тизимида ҳеч бир янгилик киритмадилар. Рим империяси рассом-ўқитувчиси бадий ижод муаммолари билан шуғулланмас эди. Асосан ўқитиш тизимида Юнон рассомлари яратган намуналарга эса рассом-ижодкор сифатида эмас, ҳунарманд нуқтаи назаридан нусха кўчириш, Юнон рассом-педагоглари ишлаб чиққан


ўқитишнинг илмий асосланган услубларидан воз кечиш охир-оқибатда тасвирий санъатнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Ўрта асрларга келиб, реалистик тасвирий санъат батамом инқирозга учради. Чунки бу давр рассоми на буюмни текисликда ҳаққоний тасвирлаш қоидаларини ва на тасвирлашни ва на тасвирлашда Юнон рассомлари томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларни тўлиқ билмас эди. Руҳонийлар буюк Юнон рассом-педагоглари томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг назарий асосларини йўқ қилдилар. Уйғониш даврининг кўзга кўринган рассом-назариётчиси Гиберти бу ҳақда шундай ёзади: *"Император Константин ва Сильвестр папаси даврида Христианлик дини таркиб топди. Тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада таъқиб қилинди. Буюк санъат асарлари-картиналар, маъбудалар ва инсоннинг энг буюк туйғусини шакллантирувчи рассомлар санъатини ўқитиш борасида тўпланган чизма, қонун ҳамда ёзувлар йўқ қилинди"*.


Антик номи билан юритилган ушбу давр санъатининг вайрон қилинишида турк истилочилари ҳам ўз "ҳиссаларини" кўшдилар. Турклар томонидан Юнонистоннинг босиб олиниши тасвирий санъатнинг батамом ривожланишидан тўхталишига олиб келди. Тасвирий санъат хусусан рангтасвир санъати билан шуғулланган Стендаль ўрта аср даврини шундай изоҳлайди: *"Босқинчилар қадимги олимларнинг қўлёзмаларини ёқиб кул қилдилар, буюк санъаткорлар томонидан тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари йўқ қилинди. IX, X, XI асрлар, Қора зулмат асрлари бошланди"*.

Бу вақтга келиб тасвирий санъат дарсларини умумий таълим фани сифатида ўқитиш олиб ташланди. Оқибатда ўқитишнинг аниқ ишлаб чиқилган назарий ва методик тизими йўқ бўлди. Кейинчалик бу мураккаб ва масъулиятли вазифалар уйғониш даври рассом-ижодкорлари томонидан бажарилди.

Уйғониш даври тасвирий санъатнинг ривожланишида янги даврни очди. Расм чизиш назарияси соҳасида рассомлар янгича методларни ишлаб чиқа бошладилар. Салкам минг йиллик турғунликдан сўнг, илмий билимлар ва санъатни ривожлантириш муаммоларига бўлган қизиқиш яна қарор топди.



6-рasm. Шон. Қаламтасвир.



7-рasm. Дюрер. Қаламтасвир.



8-рasm.

Болония академиясида ўз даврида ёшларга бадий таълим бериш борасида энг мақбул ва намунали олий ўқув даргоҳи ҳисобланганлиги туфайли унинг методикасини давом эттириб 1648 йилда Париж қаламтасвир ва ҳайкалтарошлик бўйича қироллик академияси, 1660 йили Римда бадий академия, 1696 йили Берлинда, 1753 йили Мадридда Сан-Фернандо академияси, 1757 йили Питербург академияси, 1768 йили Лондон бадий академияси ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан ташкил этилган академиялар билан бир қаторда хусусий санъат мактаблари ҳам мавжуд эди. Ўқув адабиётлари устахоналар билан тўлиқ таъминланган мактаблардан бири таникли Фламанд рассоми Рубенснинг хусусий мактабидир. Рубенс ўз замонасининг йирик намоёниси эди. У буюк рангтасвир, қаламтасвир устаси бўлибгина қолмай, балки санъат асарларини юксак қадрлай биладиган олим-тадқиқотчи, давлат ва жамоат арбоби ҳамда шогирдларининг меҳрибон устози бўлган. У юқори даражада маълумотли бўлиб, инглиз, испан, француз, италян, немис тилларида ёзиш ва сўзлашни мукамал билган. Антик давр санъатини чуқур ўрганиб, ўз шогирдларида ўша даврда яратилган ҳайкалларни тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки ушбу намуналарни акс эттириш орқали инсон аъзоларини тасвирлашда илмий томондан ёндошишга даъват этган.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Франция бадий мактабларининг ривожланган марказига айланди. Француз академияси бадий таълим тарбия тизимига кўплаб янгиликлар олиб кирди. Айниқса у ерда академик қаламтасвир ишлаш борасида талайгина методик янгиликлар яратилгани маълум.

Қаламтасвир ва унинг ўқитилиш методларини ривожлантиришга машҳур Француз рангтасвир устаси Луи Давид ҳам катта ҳисса қўшди. Тасвир бажаришда деб таъкидлар эди у, ҳар бир бўлак мукамал, аниқ ишланиш, шу билан бир қаторда ушбу қисм яхлит бир бутунликни ташкил этиш лозим. Инсон қоматини тасвирлашда авваламбор унинг ички тузилишини скелетини, чуқур ўрганиб, ташқи киёфасини чизишга ўргатар эди.

Қаламтасвир ўқитиш методларини ривожлантиришга ака-ука Александр ва Фернанд Дюпюилар ҳам катта ҳисса қўшдилар. 1835 йил

улар Парижда ёш рассом ва ҳунармандлар учун бепул мактаб очиб, шогирдларга тасвирий санъат бўйича сабоқ бердилар. Дикқатга сазовор жойи шундаки, ушбу мактабда ўқитишнинг методик босқичлари ўзига хосдир. Бу ерда бошқа санъат даргоҳларидан фарқли ўлароқ энг мураккаб бўлган инсон қоматини тасвирлашни мукаммал ўрганиб бўлгандан кейин гипс нақш намуналарини чизишга ўтилган.

Ака-ука Дюпюиларнинг таъкидлашича, ўсимликлардан ташкил этилган нақш бўлаклари табиатнинг барча энг мураккаб шаклларини ўзида мужассамлаштирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хусусий академиялар янада кўпайиб борди. Баъзи академиялар кўп йиллар давомида тажриба ва синовлардан ўтиб, таълим беришда амалий жиҳатдан тўпланган тажрибаларни инкор этиш асосида қурилган эди. Ўқитувчи-профессор ўзининг хусусий мактабини гарғибот этиш мақсадида ўтмишда ташкил этилган ва мавжуд академияларни *"Эскириб, бир ерда қотиб қолган"* деб ҳисоблаб, кўп ҳолларда ўзлари ёшларга ҳеч қандай тизимга эга бўлмаган усулда таълим берардилар.

Хусусий академияларга 40-50 га яқин ўқувчилар таклиф этилиб, уларни на курсларга ва на гуруҳларга бўлинмаган ҳолда машғулотлар олиб борилган. Машғулотлар қуйидагича тарзда эди: Катта хонанинг бир неча жойида натура қўйилган бўлиб, ўқувчилар ҳеч бир йўналишга эга бўлмаган ҳолда таҳсил олар эдилар. Дарс давомида ўқувчиларга эркинлик берилиб, улар хоҳлаган натурага қараб расм чизар эдилар. Кўп ҳолларда у ёки бу вазифани бажариш учун аниқ мақсад қўйилмасди. Шунини таъкидлаш керакки, хусусий тарзда ташкил этилган академиялар орасида ҳам аниқ йўналишларга эга бўлган ўқув даргоҳлари мавжуд бўлган: Жумладан венгер рассоми **Шимон Холлоши** (1857-1918) ва югослав педагог-рассоми **Антон Ашбелар** (1862-1905) мактаби диққатга сазавордир. Яхши йўлга қўйилган методика ва ўзига хос равишда тузилган дастурлар асосида ўқитиш тизими уларни бутун жаҳонга машҳур қилган бўлиб, ушбу мактабдан ўнлаб истеъдодли рассомлар етишиб чиққанлар.

XIX асрнинг охирига келиб академик тарзда ўқитиш тизими ўз йўналиши жиҳатидан янги замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Қисқа вақт ичида турли бадий оқимлар пайдо бўла бошлади. **Неормрессионизм, кбизм, экспрессионизм, даизм, сюрреализм** ва турли

тармоқли оқимларнинг ўзаро зиддиятлари ўқитиш методикаси айниқса қаламтасвирнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Санъатшунослик академик тарзда ўқитиш тизимига қарши чиқиб бундай шаклда таълим тарбия бериш ёшларнинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилади деб ҳисоблар эдилар. Тарихдан маълумки ўша даврда намойиш этилган кўرғазмалардаги бадиий асарларнинг умумий маданият савияси уёқда турсин, уларда тасвирлашнинг оддий қонун-қоидаларига ҳам эътибор берилмаганлигини кўрамиз. XX асрнинг бошларига келиб Ғарбий Европа ва Америка давлатларининг бадиий мактаблари тўла инқирозга учради. Қаламтасвир ишлаш услублари ҳам кескин ўзгарди. Тасвирланажак намуна қиёфасини ноизчил ўрганиш, унинг тузилиш қонун-қоидаларини енгил-елпи эгаллаш оқибатида узоқ муддатли академик қаламтасвирлар ишлаш ўрни юксак қораламалар билан алмашди. Баъзи рассом-педагоглар эса ўз ўқувчиларига буюмлар шакллари хохлаганча бузиб тасвирлашга рухсат этдилар.

Бу ҳол собиқ совет тузуми давридаги ўқитиш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Академияларда антик даврга мансуб гипс ҳайкал намуналари йўқ қилинди, иқтидорли рассомлар томонидан яратилган академик ишлар барбод этилди. Натижада академик расм чизиш мустақил ўқув фани сифатида ўзининг қадрини йўқотди. Машғулотлар ўзбиларчилик тарзида ўтказилди. Тасвирлаш учун буюм ва нарсаларни (қўйилмаларни) ўқувчилар педагогсиз ўзлари хохлаган тарзда ташкил этардилар. Вазифалар эса аниқ мақсадга қаратилмасдан енгил елпи бажарилар эди. Ўқитувчи эса фаолиятсиз пасив кузатувчи эди холос. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, машғулот катта-катта гуруҳлар билан ўтказилар эди. Бу эса ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш имконини бермас эди. 1939 йилдан бошлаб собиқ иттифоқнинг кўпгина йирик шаҳарларининг олий таълим тизимида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди. 1942 йилдан бошлаб эса ушбу бўлимлар бадиий графика факультетларига айлантирилди. Ушбу ўқув даргоҳларида тасвирий санъат машғулотлари хусусан қаламтасвир - академик тарзда нарса ва буюмларни ҳаққоний қилиб ўхшатиб тасвирлаш йўлга қўйилгани билан эътиборлидир. Бунинг натижасида ёшларни турли хил формали стик оқимларга кириб кетмасликларига имконият пайдо бўлди. 1947 йилда эса собиқ иттифоқ бадиий академияси ташкил этилди.



Унинг ўша йили қабул қилинган қарорларига эса 1947-48 ўқув йилидан бошлаб барча бадий-олий ўқув даргоҳлари биринчи курсларда гипсдан ишланган антик давр бош намуналари ва одам портрети, иккинчи курсларда инсон қомати ва гипс торс намуналари, учинчи курсларда инсон қоматининг турли мураккаб одатларини тасвирлаш, тўртинчи бешинчи курсларда эса 2-3 либоссиз гавданинг қаламтасвирини узоқ муддатда академик тасвирлаш вазифалари белгиланди.

Шундан сўнг собиқ иттифок республикаларининг Таллинн, Киев, Тбилиси шаҳарларида бадий институт ташкил этилди. 1955 йили Низомий номидаги ТДПИ қошида ҳам Бадий-графика факультети ташкил этилиб, турли йилларда иқтидорли рассом-педагоглар - Ўзбекистон халқ рассомлари М.Набиев, Н.Қўзибоев, академиклар Р.Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А.Бойматов, М.Саидов, доцентлар К.Эминов, Ю.Елизаров, Т.Оганесов, Н.Тен, Ғ.Абдурахмонов ва кўплаб йирик мутахассислар фаолият кўрсатдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайси даврда бўлишидан қатъий назар тасвирий санъатнинг ривожланган энг йирик чўққиси, уни илмий асосланган, мукамал ишлаб чиқилган методларида ҳамда назарий билимлар билан амалий фаолиятининг уйғунлашган даврида ўз аксини топган.

Педагогика университетлари ва институтларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қаламтасвир асосий фан ҳисобланади. Қаламтасвирга оид назарий билимлар эса бўлажак ўқитувчи-рассом учун ниҳоятда зарур. Қаламтасвир чизиш қонун-қоидалари, ундаги иборалар, турли ашёлар билан ишлаш технологияси, инсон ва ҳайвонларнинг пластик анатомияси, ёруғ ва соялар, уларнинг буюм ва нарсалардаги кўринишлари: дарахт ва шох-шаббаларнинг тузилиш хусусиятлари кабиларни ўқитувчи мутахассис ўқувчига методик босқичлардан фойдаланган ҳолда тўғри тасвирлашни ўргатиши ва илмий жиҳатдан атрофлича тушунтира олиши керак.

Кейинги вақтда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантиришга ҳукуматимиз катта эътибор бермоқда. Унга эса қаламтасвир машғулоти яқин келгач даражада олиб борилгандагина эришиш мумкин.

Буюк Микеланжело Буаноротти айтганидек: *"Қаламтасвир - бошқача қилиб айтганда, чизгилар санъати, рангтасвир,*

*хайкалтарошлик, меъморчиликнинг энг юқори нуқтаси қаламтасвир барча фанларнинг илдизи ва манбаидир".* Ушбу сўзлар 500 йил олдин айтилганига қарамасдан ҳозир ҳам қимматини йўқотмаган ва ўз исботини топомоқда.

## ТАСВИРЛАШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ.

**Перспектива қонуни.** Тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан қатъий назар (узоқдан, яқиндан, юқоридан, пастдан, тўғридан ёки чеккадан) чизувчига ўзгариб кўринади. Масалан, кубни у ёки бу томонга буриб, унинг томонларини чизувчига ўзгариб кўринишини кузатамиз.

Буюмларни текисликда ҳаққоний тасвирлашда рассом перспектива қонунига бевосита мурожаат қилади. Бу ҳолатни шундай таърифлаш мумкин: *"Табиатдаги барча буюмлар қандай шаклга эга бўлмасин, перспектив қонун ва қоидаларга бўйсунди".*

Перспектив қонунларни мукамал ўрганиб, ҳар қандай буюмнинг кўринар ва кўринмас томонларини тўғри тасвирлаш мумкин.

Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталиқда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текисликда қандай жойлашганига қараб перспектив қисқаради (9-10 расмлар).

Ўз навбатида перспектив қонуни ҳаққоний тасвирлаш "алифбо"ларидан бўлган *"суръат текислиги"*, *"буюм текислиги"*, *"кўриш майдони"*, *"кўриш нуқтаси"*, *"уфқ чизиги"* каби қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.


**Сурат текислиги** деб тасвирланаётган натюрморт, манзара, портрет ва ҳоказолар билан рассом орасидаги бўшлиққа айтилади.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда, ёруғлик чизилаётган буюмга тушиб, рассомга у ёки бу буюмнинг шакли кўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвирлашга ўтади. Сурат текислиги рассом билан натура ўртасидаги восита бўлиб хизмат қилади.

**Буюм текислиги** деб тасвирланаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, ер ва бошқа чизиш учун бажариладиган мослама бўлиши мумкин.



9-рasm.



10-рasm.

**Кўриш майдони** бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни кўриш вақтида қамраб олишдир. Рассом тасвирланаётган объектнинг қанча узоқлашиб борган сари унинг кўриш майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвирланаётган объектнинг ҳамма қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга имкон яратади. Лекин, объектдан жуда катта масофада туриб ҳам, ундаги ҳамма бўлақларни ва ҳажмларни тўлақонли тасвирлаш анча қийин. Аксинча, тасвирланаётган объектга яқин масофада туриб ҳам, ушбу объектдаги ҳамма қисмларни кўз билан илғаб олиш мушкул. Шунинг учун ҳар қандай тасвири бажараётганда чамалаш орқали масофани тўғри танлай олиш, кўриш майдонини тўғри белгилаш рассомдан маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда рассомлар тасвирланаётган предмет катталигининг 3 ҳисса кўпайтирилганига тенг масофада туриб тасвирлайдилар. Масалан, инсон қоматини тўлақонли тасвирлаш учун рассом натурадан тахминан 5-5,5 метрлар масофада туриши керак.

**Уфқ чизиги** деб, кўзимиз баландлигида ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қоғозни олиб уни горизонтал ҳолатда кўзимиз даражасигача кўтариб уфқ чизигини аниқлашимиз мумкин. Буюм чизувчига уч ҳолатда кўриниши мумкин (*11-расм*).

1. *Уфқ чизигидан юқорида.*


2. *Уфқ чизигидан пастда.*

3. *Кўзимиз нури баландлигида (уфқ чизиги баландлиги даражасида).*

Уфқ чизиги ҳар доим кўзимиз нури баландлигидан ўтади. Агар биз юқорига чиқсак у биз билан кўтарилади, пастга тушсак уфқ чизиги ҳам пастда кузатилади.

**Фазовий перспектива** деб буюмларнинг фазо (бўшлиқ) таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишига айтилади. Фазо - тиниқ муҳитдир. Лекин, унинг тиниқлиги табиатнинг турли ҳодисалари таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзоннинг таъсирида ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган объектнинг фазо бўшлиғида қай даражада чуқур жойлашганига қараб ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлақларнинг (яққол ёки хира) кўринишларига кескин таъсир этади.

Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлигига (эрталаб, кундузи, кечқурун) йил фасллари (баҳор,



11-рассм.

ёз, куз, қиш) ҳамда атмосфера ўзгаришига (қуёш ёки булут) қараб ҳам ўзгариши мумкин. Тасвирланаётган буюмларнинг фазо чуқурлигида қандай узоқ ёки яқинда жойлашганига қараб ҳам ўзгаради.

Фазовий перспективанинг ушбу асосий қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Бажарилаётган тасвир рассомга яқин бўлган буюмлар яққол, узоқдагилар эса умумий бўлиб кўринади. Тасвирда фазони сездириш учун яқин масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда тасвирлаш керак.

2. Фазо бўшлигида (кенглигида) жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. Тасвирда фазовий перспективани тўғри кўрсатиш учун узоқда жойлашган буюмларни озроқ енгил олдинги қатордаги буюмларни эса яққол тасвирлаш керак.

3. Яқин масофада жойлашган буюмлар фазода яққол ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса хирароқ бўлиб кўринади. Тасвирлашда ҳам ушбу тартибга риоя қилмоқ зарур.

4. Чизувчидан узоқроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёҳранг, ҳаворанг ва оч тусда кўринади. Фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни аниқроқ чизгилар билан, узоқдагиларни эса очроқ тусда тасвирлаш мумкин.

5. Олдинги қаторда жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида (рангида), узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. Фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда хирароқ қилиб тасвирлашни талаб этади.

Фазовий перспективанинг ушбу қонун-қоидаларига риоя қилиш талаба учун муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар талабанинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюрморт, манзара ва ҳоказо) кузатилиши мумкин.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ ва соялар катта аҳамиятга эга. Натурага қўйилган буюмларга ёруғлик қанчалик тик тушса уларнинг тасвири шунчалик яққол кўринади. Аксинча четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб

келади. Ёруғлик бир буюмдан урилиб (синиб) иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу ҳол тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат:

- а) ёруғлик;
- б) соя;
- в) ярим соя;
- г) акс ёруғлик;
- д) ялтироқлик.

**Ёруғлик** деб - предмет юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёриткичлар таъсиридаги нурга айтилади.

**Соя** - буюмларнинг ёритилган қисмининг орқа томонига (тескарисига) ёруғлик нурлари тушмаган ерга айтилади. Бундай сояларни яна шахсий соя деб ҳам юритилади. Тасвирлар бажарилишда туташувчи соялар ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмларнинг бири иккинчисини тўсиши натижасида ҳосил бўлади. Ушбу соялар буюм текислигига (стол, пол, ер ва ҳоказо) ҳамда бажарилаётган буюмларнинг биридан иккинчисига ҳам тушиши мумкин. Буюмларга қияроқ (хирарок) равишда тушувчи ёруғлик нури уларда **ярим сояларни** ташкил этади. Ярим соялар асосан ёруғлик ва шахсий соялар оралиғидаги қисмларга жойлашади. Шунинг учун буюмлардаги ҳар қандай соялар ҳам бир хил тўқ тусда бўлавермайди.

Фақатгина ёруғ, соя ва ярим соялар воситасида буюмларнинг ҳажмларини тўғри бажариш мумкин. Буюмларга урилиш натижасида тушувчи ёруғликлар **акс ёруғликни** рефлекс ҳосил қилади. Акс ёруғликлар предметларнинг бир-биридан қандай масофада жойлашган срига қараб кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Лекин ҳеч қачон акс ёруғлик буюмларга тик ётувчи ёруғлик нурига нисбатан кучли бўлмайди.

Буюмда ёруғлик тик тушиши натижасида эса **ялтироқлик** ҳосил бўлади. Ялтироқлик шиша, чинни, темир сопол ва бошқа ёруғликни қайтариш хусусияти кучли бўлган буюмларда кузатилади.

Ўқув қаламтасвирда ёруғ ва соялар қаламда энгил чизиклар (штрих) билан амалга оширилади. Ёруғ ва ярим сояларда чизик учлари тасвирланаётган буюмнинг характериға ва ёруғлик тушиш йўналиши бўйича дона-дона, аниқ бўлиши керак. Бундай усулда бажарилган туслаш буюмларнинг конструктив тузилишини янада яққол кўрсатиб беради. Буюмнинг соя қисмларида чизиклар қуюқроқ, бир-бирига яқин (бирлашиб

кетган) бўлиши лозим. Қиррали буюмларда штрихлар ёруғ ва соя учрашган (яқинлашган) қисмида тўқроқ бўлади (*12-13 расмлар*).

Натурага қўйилган олдинги буюмлар якқол чизиклар билан бажарилса, иккинчи ва учинчи қатордаги буюмлар чизувчидан узоқроқ жойлашганлиги ҳисобига умумий тарзда бажарилади. Бу ўз навбатида тасвирланаётган натурани ҳаққоний (фазовий перспектива қондасига асосан) бажарилишда муҳимдир.


Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, оддий қалам билан буюмни ҳажми асосида туслаш, тасвирланаётган буюмларни ҳажмдор бажарилишининг омилidir. Пала-партиш дуч келган томонга чизиклар тортиш қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қилади.

Буюмларнинг ҳажмларини бажаришда, чизикларни тортиш кетма-кетлигига риоя қилиш керак. Қаламни қоғоз сиртида бир хил куч билан босиш ва чизиклар орасидаги масофанинг тенг бўлишига эътибор бериб тасвирлаш, чизилаётган буюмни тўғри бажарилишида катта аҳамиятга эга. Айлана (сферик) ҳажмга эга бўлган буюмларни бажаришда, юқорида таъкидлаб ўтилган чизик тортиш эллипс шаклида бажарилиб, буюмнинг экваторига яқинлашганда тўқроқ тусда бўлади.


**Чизикли конструктив тузилиш.** Тасвирлаш учун буюм қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар у конструктив тузилишга эга. **Конструктив сўзи** - тузилиш (қурилиш) маъносини англатиб рассом буюмни тасвирлашда ушбу қонунга амал қилиши шарт. Буюмни ҳаққоний қилиб тасвирлаш учун унинг тузилишини чизикли конструктив тузилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чизикли конструктив қуриш ҳар қандай вазифани тасвирлашда амалга оширилади. Қуйидаги антик даврга мансуб гипседан ишланган кўза ва меъморлик бўлагиди ушбу қонунни амалда кўришингиз мумкин (*14-а, б расмлар*).

Буюмнинг конструктив тузилишини унинг асосий қисмларидан, ҳамда ёрдамчи чизиклар ўтказиш йўли билан амалга оширилади (кўза, конус, пирамида ва ҳоказо). Чизикли конструктив тузилиш орқали буюмни тўғри тасвирлашда перспектив қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилишни тақозо этади. Юқорида кўрсатилган расмдаги гипс кўзанинг ҳажмини тўғри амалга ошириш жараёнида кўза асоси, экватори, бўғизи ва юқори қисми айланаларининг унинг буюм текислигидаги ҳолатига асосан перспектив қисқаришини кўрамиз. Демак, чизикли конструктив қуриш буюмнинг







12-рasm.



13-рasm.



б

14<sup>а</sup>-рasm.14<sup>б</sup>-рasm.

чекка қирраларини контур чизиклар билан, мураккаб тузилишга эга (бир неча майда бўлақлардан иборат). Буюмларда эса ушбу бўлақларнинг енгил бирлашиб яхлит бир бутунликни ташкил этишдан иборатдир (15 расм).

Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишдан ташқари нисбатларда ҳам, баландлиги ва энига эгадир. Бу эса **буюмларнинг нисбати** дейилади. Бир неча буюмлардан ташкил этилган қўйилма ўз нисбатларидан ташқари ўзаро ҳам катта-кичиклигига қараб нисбатлари мавжуд. Ҳаққоний тасвирлашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвирлаш қуйидаги усулда амалга оширилади. Масалан, гипс нақш розеткасини олайлик. Розетканинг баландлигини энига нисбатан катталигини аниқлаш учун қўлга қаламни ушлаб узатган ҳолда розетканинг кичик томони - энининг ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб розетка баландлигига қўйиб таққослаймиз. Сўнгра ушбу топилган нисбатни қоғозда белгилаймиз. Шу усулда бир гуруҳ буюмлардан ташкил этилган натюрморт ёки бошқа ўзининг ҳамда ўзаро нисбатларини тўғри тасвирлаш мумкин (16-расм).


**Ҳажмлар.** Ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга. Унинг ҳажми қирралари, баландлиги, бўйи ва энининг мавжудлиги билан белгиланади. Агар буюмнинг ҳажми тўғри чизиклардан иборат бўлса, унинг ҳажми ҳам текис юзадан иборатдир. Эгри чизиклардан ташкил топган буюмлар (шар, конус, цилиндр ва бошқалар) анча ҳажмдор ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган машқларни тўғри бажариш контур<sup>1</sup> чизиклар воситасида амалга оширилади. Контур чизигининг буюм шаклини намоён этишда аҳамияти бениҳоя катта. Буюмнинг тузилиши, ҳаракати, нисбатлари, унинг қандай материалдан тузилганлигини ва бошқаларни тасвирий ифодалашда рассом контур чизиклардан фойдаланади.

Буюмнинг контурлари тўғри чизиклардан иборат бўлса (куб, пирамида, призма ва бошқалар), унинг ҳажмларини бажариш тўғри чизиклар воситасида амалга оширилади ёки унинг контурлари эгри чизиклардан иборат бўлса, ҳажмлилик эллипс, айлана шакллар орқали амалга оширилади.


Буюмни ҳажмдор тарзда тасвирлаш, унинг қандай шаклга эга эканлигига ва уни тўғри туслаш орқали бажарилади. Қиррали буюмларда,

---

<sup>1</sup> **Контур** - (Французча KONTOUR) буюм шаклини акс этувчи чизик деб юритилади.



16-расм.



15-расм.

масалан, куб ҳажмини тўғри тасвирлашда кўпинча талабалар хатоликка йўл қўядилар.

Кубнинг ҳажмини ёруғ соялар воситасида бажариш жараёнида уни янада ёркинроқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан алоҳида бўрттириб кўрсатадилар. Бу эса мутлақо нотўғри. Табиатда эса қиррали буюмлар юзаларининг бир-биридан тус жиҳатидан оч ва тўқлиги билан белгиланади. Фақат (куб ёки бошқа қиррали буюмларда) соя қисмидаги қирраси ёруғ қисмидаги юзага яқинроқ ерида тус жиҳатдан кучлироқ эканлиги билан характерлидир.

Думалоқ шаклли буюмларни ҳажмларини эллипс, айлана чизиклар орқали бажарилади. Тасвирлашда думалоқ ҳажмга эга буюмларнинг экватор қисми тус жиҳатдан кучлироқдир. Қиррали буюмларда бўлгани каби шарсимон буюмларни тасвирлашда ҳам унинг четлари қуюқ контур чизик билан амалга оширилмайди. Фақатгина унинг турган ҳолатига қараб ёруғ ва орқа фондаги соялар чегараси бор холос.

### **ЎҚУВ ҚАЛАМТАСВИРИ ТУРЛАРИ. ҚАЛАМЧИЗГИ ВА ЭТЮДЛАР.**

Умумтаълим мактаблари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳар томонлама етук тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлаш олий таълим тизимида олиб бориладиган ҳар бир ўқув предмети, жумладан қаламтасвир бўйича назарий, амалий жиҳатлар ва унинг турларини пухта ўқитилиш билан белгиланади. Талабаларга муваффақиятли таълим бериш қаламтасвирни икки хил йўналишда олиб боришни тақозо этади.

**1. Нарсаларни ўзига қараб тасвирлашнинг узоқ муддатга (сеанс) мўлжаллаб машқлар бериш.**

**2. Қисқа муддатли қаламчизги ва қораламалар ишлаш.**

Олий таълим ва тасвирий санъат билан шуғулланувчи барча бадий ўқув даргоҳларида ушбу икки хил усул бир-бирини тўлдирган ва боғланган тарзда олиб борилишини талаб этади. Бу усулда таълим-тарбия бериш бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогик фаолиятга пухта тайёрлайди. Узоқ муддатга мўлжаллаб тузилган қўйилмаларни ўзига қараб тасвирлаш давомида талаба ёшлар қаламтасвирга оид

қонун-қоидаларни чуқур ўзлаштирадилар ва буюмларни конструктив тузилишларини асосли равишда ўрганадилар. Шунингдек, нарсаларни ўзига қараб ҳаққоний тасвирлашнинг маълум босқичлари билан яқиндан танишадилар. Қаламчизги ва қисқа муддатли қораламалар бажариш орқали буюмларнинг умумий характерли қисмларини тез ўзлаштириб олиш ва тасвирлаш малакаларини ривожлантирадилар.

**Қаламчизги ва этюдлар.** Ҳар бир академик қаламтасвир ўқув вазифаси унинг қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар ёрдамчи материаллар асосида бажарилишини тақозо этади. Ўз-ўзидан кўринадики, бунинг учун талаба кўплаб қаламчизги ва қоралама-этюдлар бажариши керак.

Қаламчизги ва этюдлар ўқув вазифаларнинг моҳиятидан келиб чиқиб турли мақсад ва вазифаларга эга. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- уй жиҳозлари, ашёлари, интерьер, замонавий ва қадимий меъморчилик обидалари, манзара кўринишларини ҳаққоний тасвирлашга ўргатиш;

- ҳайвонот олами ҳамда инсон қоматининг анатомик тузилишини, тана аъзоларининг нисбатларини ҳаққоний тасвирлаш;

- тасвирий санъат асари композицияси, унда иштирок этувчи инсон қомати, психологик ҳолати, нарса ва буюмларнинг тузилиш хусусиятларини тўлақонли тасвирлашдаги аҳамияти;

- тасвирий санъат қонун-қоидалари: чизиқли ва фазо перспективаси қонуниятлари, буюмларнинг конструктив тузилишлари, ёруғ ва соя муносабатлари;

- тасвирланаётган одамларнинг ички ҳис туйғулари, психологик одатлари, жисмоний куч-қудратларини ифода этиш.

Узоқ муддатга мўлжалланган қаламтасвир ўқув вазифасини муваффақиятли бажариш ўта мураккаб ижодий жараён бўлиб, у талабадан назарий билим ва амалий кўникмаларни қай даражада эгаллаганидан далолат беради. Умумий тайёргарликсиз талаба қўйилмани тасвирлашни нимадан бошлаб қандай давом эттиришни билмайди ва буюмни тўғридан-тўғри кўчира бошлайди. Оқибатда эса буюмнинг умумий ҳажми, конструктив хусусияти, тасвир билан унинг асли ўртасида катта тафовут борлиги маълум бўлиб қолади. Бундан хулоса шуки вазифаларнинг

муваффақиятли чиқиши учун натюрморт бўладими ёки инсон қоматининг академик қаламтасвирини аввало турли нуқта ва вазиятлардан кўплаб қаламчизги ва этюдлар бажаришни талаб этади. Чунки ташкил этилган натурадаги барча буюм ва нарсаларни қаламчизги орқали тез бажариш жараёни ҳамда уларни бир зумда кузатиб тасаввур этиб чизувчи онгида анча вақтга муҳрланиб ўрнашиб қолади. Асосийси, тасвирлаш учун қўйилган буюм ва нарсаларни алоҳида эмас, бутун бир яхлитликда кўриш имкони яратилади.

Ўқув қаламчизги ва қоралама этюдлари вазифани моҳиятидан келиб чиқиб турли хил материал ва усулларда бажарилиши керак. Ҳажми эса оддий гутурт қутиси катталигидан тортиб, катта ўлчамларда ҳам бўлиши мумкин. Улар оддий юшоқ графит қаламларда, сўндирилган кўмир таёқчаларида, соус, тушь-перо, сангина, акварель ва мўйқаламда турли тусли қоғозларда, картонларда бажарилиши мумкин.

Атроф муҳитни ўрганиш уни ҳаққоний образларда тасвирлаш учун, инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳолати, психологик кечинмаларини жонли ифода этиш, ҳамда бўлажак картиналар учун кўплаб материаллар тўплаш борасида махсус натуралар ташкил этиш шарт эмас.

Аудитория, шифохона, бекатлар, ошхона ёки дўконларда, вокзал биноларида инсонларнинг ўзаро мулоқотлари, гуруҳ одамларнинг ҳолатларини бир неча дақиқали қаламчизгиларда кўплаб тасвирлаш талабанинг бўлажак тасвирлаш, кўриб эслаб қолиш малакаларини ривожлантиради. Қисқа муддатда бажарилган қуйида қаламчизгиларни ҳавола этамиз (*17-18-расмлар*).

Қаламчизгилар аниқ мақсадли, ўқув дастурида кўрсатилган у ёки бу вазифа асосида ҳам бажарилиши мумкин. Бунда ташкил этилган натура турли нуқталардан кузатилиб, қисқа муддатли чизгилар бажаришни тақозо этади. Шундан сўнг аниқ бир ракурсдан узоқ муддатли вазифани муваффақиятли бажариш мумкиндир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, портрет ишлашда юз бўлақларини турли ҳолатлардан туриб қаламчизгида бажариш талабада перспектива қонуниятлар буюм шаклларининг туслари, ҳажми, нисбатлари тўғрисида тўла маълумотга эга бўлишидан далолат беради.







18-рasm.

Юз бўлақларининг қаламчизгилари чизикли конструктив, ҳамда меъёрига етказилган ҳолдаги тасвирлар бўлиши ҳам мумкин (19-20-расмлар).

Юқорида айтиб ўтилганидек қаламчизги, қоралама-этюдлар турли ўлчам, ашёлар ва муддатларда бажарилиши мумкин. Инсоннинг ички психологик кечинмалари, хис-ҳаяжон, завқ-шавқи, кўрқув, безовталиги ва бошқа кечинмалари унинг портрети - юз кўриниши орқали томошабинга намоиш этилади. Бу эса жуда масъулиятли ҳамда мураккаб иш жараёни бўлиб, талаба вазифасини юқори даражада бажариши учун кўплаб қаламчизги ва қоралама-этюдлар бажаришга тўғри келади. Қуйида иккинчи курс иккинчи семестридан жой олган портрет қаламтасвири вазифасини қоралама-этюдлар намунасини кўришимиз мумкин (21-расм).


Академик қаламтасвир ўқув вазифаларини қаламчизги ва қоралама-этюдлар асосида аудиторияларда бажариш давомида олган билим ва малакаларини талабалар мустақил равишда интерьер ва табиат қўйнида расм ишлаш орқали мустаҳкамлашлари муҳим аҳамиятга эга. Булар мавзу асосида бажарилган тасвирлар ҳамда тез қаламчизгилар бўлиши мумкин.

Манзаранинг тасвирини ишлаш давомида талаба уфқ чизиги, кўриш нуқтаси, кўриш майдони, суръат текислиги, ҳаво перспективаси, чизикли перспектива, ёруғ-соя қонуниятларини ўзлаштириш билан бир қаторда тасвирланаётган объектдаги шох-шабба ва дов-дарахтларнинг шакллари, ҳайвонот оламининг анатомик тузилиши хусусиятлари, тоғу-тошларнинг кўринишларини ҳаққоний образларда тасвирлашни ўрганадилар.


Бундай мавзули тасвирлар йилнинг ҳар бир фаслларида, турли материаллар: рангли қоғоз, тушь, перо, акварель бўёғи, оддий графит қалам, сангина, соус, кўмир ва ҳоказоларда амалга оширилади.

Ёшларга тасвирий санъат сирларини мукамал ўргатиш олий ўқув даргоҳларида олиб бориладиган рангтасвир, композиция, айниқса қаламтасвир машғулотларини ўқитишнинг юқори савиядалиги кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида юқори малакали тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Шуни доимо ёдда сақлаш лозимки, академик қаламтасвир ишлашда қаламчизги ва қоралама-этюдлар бажариш бўлажак вазифанинг муваффақиятини белгилайди. Талаба кўплаб қаламчизгилар ишлаш орқали



19-рasm.





21-рasm.

буюм-нарсаларнинг асосини, конструктив тузилишини, пластикасини, ҳажмини чуқур ўрганади.

Ҳозирги замон янги методикаси шуни тақазо этадики, талаба ёшларга ўтмишда яшаб ижод қилган машҳур уста рассомлар - Леонардо да Винчи, Мекеланджело Буанаротти, Альберхт Дюрер, Рембрант, Шон ва бошқаларнинг ҳар бир машҳур асарлари учун бажарилган ўнлаб, юзлаб қаламчизгиларини намоёиш этиш ҳамда уларнинг ишлаш методларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқоридаги фикрлардан хулоса шуки, талаба ҳар бир ўқув вазифасини муваффақиятли бажариши учун қўйилган натурани турли нуқталардан кузатиши ва бир неча ёрдамчи қоралама-этюдлар бажариши керак. Лозим бўлганда қўйилмадаги буюмларни алоҳида-алоҳида чизгиларини бажариш керак. Ёрдамчи этюдлар ишлаш давомида у ушбу вазифани талаб даражасида бажариш имконини беради. Шунингдек ёрдамчи чизгилар тасвирий санъатда мавжуд бўлган композиция чизиқли конструктив тузилиш, перспектива, буюмларнинг ўзаро нисбатлари, шакл ва ҳажм муносабатлари, нисбатлар, ёруғ соя кўринишлари каби қонунларни ўзлаштиришида муҳим аҳамиятга эга.

## ҚАЛАМТАСВИРДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР.

Қаламтасвир бажариш учун турли материаллардан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир бажарилаётган вазифа учун ушбу материалларни тўғри танлай билиш, тасвири муваффақиятли бўлишида катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвирда ишлатиладиган материалларни шартли икки гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. *Қуруқ ҳолда ишлатиладиган материаллар.*
2. *Суюқ ҳолда ишлатиладиган материаллар.*

Биринчи гуруҳни қуйидаги материаллар ташкил қилади: Ҳар хил катталикдаги графит қаламлар, рангли графитлар, бўр (синф тахтасида ишлаш учун), сангина, қуруқ соус, пастель, зичлантирилган ҳамда табиий кўмир таёқчалари. Санаб ўтилган ҳамма тасвирлаш воситалари цилиндрик таёқчалар ёки махсус мосламаларда бўлиши мумкин. Қуйида 22-25-расмларда турли хил юмшоқ материалларда бажарилган расмларни кўришимиз мумкин.



45

22-рasm.



46

23-рasm.







Иккинчи гуруҳга тушь, сиёҳ, акварель бўёқлар, гуаш, соус (сувда аралаштирилгани)лар кирази. Суюқ ҳолдаги ушбу материаллар қоғоз сиртида турли хил мўйқаламлар, перолар, ҳар хил таёқча мосламалар билан ишланиши мумкин. Тасвирлашда оддий ёзув воситалари ва фламастерлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳамма тасвирлаш воситалари у ёки бу вазифани чизиклар, туслар орқали бажарилади. Шунинг эътиборига эришмоқ керакки, ҳар бир санаб ўтилган материал бажарилаётган тасвир характериға қараб танлаб олиниши керак. (Қалам, картон, турли тусдаги қоғоз ва ҳоказо).

Масалан тушь-перида бажариладиган тасвир учун унча катта бўлмаган юзаси текис қоғоз сиртида бажариш мақсадға мувофиқдир.

Қаламтасвирда кенг тарқалган ва ишлатишға қулай бўлган материал бу қаламдир. У талабанинг бошланғич курсда таълим олишида асосий ҳисобланиб, уни таркибға ўргатади.

Графит қаламлар турли хилларда ва кўп нусхада чиқарилади. Қаламларни уларнинг белида ёзилган қаттиқ ёки юмшоқ белги ҳақидаги белгилардан ажратиш мумкин. Қаттиқ қаламлар **"Т"** дан ҳатто **"6Т"** гача бўлиши мумкин. Юмшоқ қаламлар **"М"**, **"2М"** ва **"6М"** гача бўлади. Қаттиқ юмшоқ қаламлар **"ТМ"** белгиси билан белгиланади.

Ўқув қаламтасвирида **"Ретушь"** каби таркибида кўмир бўлган қаламлардан ҳам фойдаланилади. Бу қаламлар катта юзаларни чизиклар орқали туслашда қулайдир.

Қаламтасвир вазифаларини бажариш учун қоғозларни тўғри танлай билиш катта аҳамиятға эгадир. Вазифаларни **"Ватман"**, **"Ярим ватман"** номли 34 қоғозларда бажариш мумкин. Бу қоғозларға **"ТМ"** ва **"М"** номли қаламларда чизиш қулайдир.

Бундан ташқари юзаси ғадири-будир (чўтири) қоғозларға юмшоқ қаламлар билан ёки кўмир, сангина, пастель ва ретушларда турли тез бажариладиган чизги ва хомаки расмларни бажариш мумкин. Бундай юмшоқ чизувчи материалларни қоғоз юзасидан тўкилиб кетмаслиги (суркалмаслиги) учун уларни сочға сепувчи аэрозоль лакларини тасвир бажарилган юзаға сепиш йўли билан узоқ муддатгача сақлаш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР.

1. Азимова Б. Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси. Тошкент Ўқитувчи, 1984 йил
2. Борш Л.О. Наброски и заресовки. - М., 1970.
3. Бойметов Б. Бадиий графика куллиёти биринчи курс сиртки бўлим талабалари учун қаламтасвирдан методик тавсиялар. - Тошкент. 1992 йил.
4. Бойметов Б. Қаламтасвир ўқитишнинг илмий асослари. Методик тавсиялар. Тошкент - 1995 йил.
5. Бойметов Б, Толипов М. Мактабда тасвирий санъат тўғараги. Тошкент. Фан - 1995 йил.
6. Бойметов Б. Қаламтасвир Педагогика институтлари ва университетлари учун ўқув қўлланма. Тошкент - 1997 йил.
7. Костерин Н.П. Учебное рисование. М., 1983.
8. Кузин В.С. Наброски и заресовки. М., 1970.
9. Кузин В.С. Вопросы изобразительного творчество. М., 1971.
10. Лаптев А.М. Рисунок пером. М., 1962.
11. Набиев М., Азимова Б. Расм чизишни ўргатиш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи - 1976 йил.
12. Ростовиев Н.Н. Учебный рисунок. М., 1976.
13. Ростовиев Н.Н. Академический рисунок. М., 1984.
14. Терентьев А.Е. Изображение животных и птиц, средствами рисунка и живописи. М., 1980.
15. Тен Н. Гипс моделларининг расми. Тошкент. Ўқитувчи.-1994 йил.
16. Тожиев Б. Қаламтасвир асосларини ўрганиш. Тошкент. -1994 йил.
17. Федоров М.В. Рисунок и перспектива. М., 1960.
18. Хасанов Р. Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. Тошкент. Ўқитувчи. -1986 йил.
19. Хасанов Р. Методические основы художественного образования и воспитания в Узбекской школе. Тошкент. Фан. -1990 йил.



## ҚАЛАМТАСВИР АСОСЛАРИ.

Педагогика университетлари ва институтлари  
талабалари учун ўқув қўллаима.

муаллиф - Б.Бойметов.

Босишга рухсат этилди.

Ҳажми 3,5 босма табоқ.

Нусхаси 500 дона.